
10 МАЙДАН ЭЪТИБОРАН “ТУРК ҲАВО ЙЎЛЛАРИ” ИСТАНБУЛДАН ФАРҒОНАГА ҲАФТАДА 3 МАРТА ПАРВОЗ ҚИЛАДИ

Ўтган 2021 йил июнь ойида Фарғона ва Истанбул шаҳарлари ўртасида тўғридан тўғри авиапарвозлар йўлга қўйилган бўлиб, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” самолётлари ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари Фарғона-Истанбул-Фарғона йўналишида, “Турк ҳаво йўллари” сешанба ва жума кунлари Истанбул-Фарғона-Истанбул йўналишида қатновларни амалга оширмоқда.

“Турк ҳаво йўллари” авиакомпанияси Ўзбекистонга ҳозирги мавжуд ҳафтасига 20 та парвозлари сонини май ойи якунига қадар 27 тага етказишини маълум қилди. Хусусан, 10 майдан эътиборан Истанбул-Фарғона-Истанбул йўналишида қатновлар сони ҳам ҳафтасига 3 маротаба амалга оширилиши очиқланди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-04-26 10:47:43